

## НОГИРОН ФАРЗАНДЛАР УЧУН ТЎЛАҚОНЛИ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ЯРАТИШДА МАКТАБ – ОИЛА – МАҲАЛЛА ҲАМҚОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мухайё Умаралиева

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти  
“Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6908426>

**Аннотация.** Мақола ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида мактаб – оила – маҳалла ҳамқорлиги ва ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Муаллифлар маҳалларда ногиронлиги бўлган фарзандлар ота-оналарни мутасаддилари ва ногиронлиги бўлган болалар ота-оналарини малакасини ошириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини беришган.

**Калит сўзлар.** Ногиронлиги бўлган болалар, ота, она, маҳалла мутасаддилари, жамоат Кенгашилари, “Каскад технологияси”, билим, малака, кўникма, усул, шакл.

## ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПАРТНЕРСТВА ШКОЛЫ-СЕМЬИ-МАХАЛЛИ В СОЗДАНИИ ПОЛНОЦЕННОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ ДЛЯ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам солидарности школы, семьи и соседства и развитию знаний, навыков и способностей родителей и должностных лиц района с целью создания полноценного образа жизни для детей с ограниченными возможностями. Авторы высказали свои мнения и мнения о том, как повысить квалификацию родителей детей с ограниченными возможностями в микрорайонах.

**Ключевые слова.** Дети с ограниченными возможностями, отец, мать, районные чиновники, общественные советы, “Каскадная технология”, знания, квалификация, навыки, метод, форма.

## DISTINCTIVE ASPECTS OF SCHOOL-FAMILY-MAKHALLA PARTNERSHIP IN CREATING A FULFILLING LIFESTYLE FOR DISABLED CHILDREN

**Abstract.** The article is devoted to the issues of school, family and neighborhood solidarity and the development of knowledge, skills and abilities of parents and district officials in order to create a full-fledged lifestyle for children with disabilities. The authors expressed their opinions and opinions on how to improve the qualifications of parents of children with disabilities in micro districts.

**Keywords.** Children with disabilities, father, mother, district officials, public councils, “Cascade technology”, knowledge, qualifications, skills, method, form.

## КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг замонавий маҳалла мутасаддилари янги ижтимоий-касбий технологияларга мослашишни, турли ахборот-коммуникацион тизимлар ва уларнинг субъектлари билан удабуронлик билан ўзаро ишлашни билиши керак. Замонавий жамиятда муваффақиятли ва талабчан бўлиши учун инсон умуммаданий ва касбий билим, кўникма ва малакаларга, эга бўлиши лозим.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги пайтда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган мутасаддилар (фуқаролар йиғини раиси, унинг ўринбосарлари) томонидан ижтимоий-касбий мобилликка эришиш меҳнат бозорида рақобатбардошликка, ўзининг касбини эркин эгаллашига ва фаолиятнинг аралаш соҳаларида мўлжал олишига, доимий касбий ўсишига тайёрлигини шакллантиришга кўмаклашади.

Демак, фуқаролар йиғини раиси ва унинг ўринбосарлари доимо янгиликка интилувчан ва ушбу янгиликларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, натижавийлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш каби жараёнларга тайёр туриши керак.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Лойиҳада таклиф этилаётган янгилик жараённинг таркибий тузилишини муаммолар, янгилаштиришга эҳтиёж, субъектлар, мақсад, вазифалар, мазмун, методлар, натижа ташкил этади.

**Ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш** – уларни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари бошловчи кучдир.

Бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолиятдир.

Шундай экан, **ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш** йўналишида ташкил этиладиган ўқув жараёнлар, яни мураккаб педагогик тизим компоненти бўлган жараёнларни самарали бошқариш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур жараёнда **ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш** ҳамда кўзланган натижаларга эришишда ташкил этилажак **жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш**, – бунда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, биз **ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш** йўналишида ташкил этиладиган ўқув жараёнларни мураккаб, кўп даражали педагогик тизим сифатида изоҳлашда қуйидаги бир қатор хусусиятларни инновацияларга хос хусусиятлар деб ҳисоблаймиз: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлилик, аҳамиятлилик, таваккалчилик, раҳбарлик услубларини тавсифлаш қобилияти, вазиятга алоқадорлик, таркибий тузилишга эгаллиги (структуравийлик), инновацион ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш имконияти, бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, инсонларнинг қизиқиши бўйича табақалаштириш қобилияти, инновацияларни субъект томонидан қабул қилиниши.

Ташкил этилаётган масофавий малака оширишнинг аҳамияти шундаки, бунда ота-оналар ва маҳалла мутасаддилари, **ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш** бўйича уларнинг қизиқиши ва янгиликларга бўлган муносабатларини объектив баҳолаш имконияти туғилади, педагогик жараёнда ўзаро муносабатларнинг ўзгариши,

кескинлашув ёки мувофиқлашув вужудга келади ва ўз навбатида мазкур жараёнга мос келувчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш имконияти туғилади.

**Ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб** боришда, энг аввало, кўзланган мақсадларга эришишда маҳаллаларнинг истиқбол мақсади ва имкониятларини ногиронлиги бўлган болалар манфаати билан уйғунлаштиришни ҳамда маҳалланинг фаолиятини замонавий ўзгаришларга мослаштириб бориш, узоқ муддатли бошқарув дастурларини бошқарув жараёнига татбиқ этиш зарур.

Бу ўз навбатида истиқболни тадқиқ қилиш ва мақсадларга эришишда, ривожланишга таъсир этувчи омилларни олдиндан таҳлил қилиш, ривожлантирувчи бунёдкор ғоялар ва уларни амалга ошириш йўналишида зарурий билим, кўникма ва малакалар талаб қилади.

Жумладан, **ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб** бориш масофавий малака ошириш жараёнларида амалга оширилади.

Демак, **ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб** бориш жараёнлари – **ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг ижтимоий** соҳа бўйича янгиликлари билан мунтазам таништириб бориш асосида касбий билим, кўникма ва малакаларини ўқувларни ташкил этиш орқали тизимли ривожлантириб бориш қисқа муддатли масофали ўқув курслари, сайёр малака ошириш, ўқув семинарлари, семинар-тренинглари, очиқ эшиклар куни, турли хил кечалар, илмий-амалий конференциялар, илмий-методик, методик материаллар тайёрлаш, шунингдек, малакасини ошириш бўйича ўқув курсларидаги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофадан малака ошириш жараёнларини ўз ичига олади.

**Ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларини масофавий** малака оширишини ташкил этишдан кўзланган мақсад – оилаларида ногиронлиги бўлган фарзандлар ота-онасига ижтимоий кўмак бериш ишлари самарадорлигини таъминлаш, масофавий малака ошириш таълим, қисқа муддатли сайёр малака ошириш жараёнларини тизимли ташкил этиш, ривожлантириш, ногиронлиги бўлган болалар таълим-тарбиясида намуна кўрсатган ва барчага ўрнак бўлган оилалар тажрибасини оммалаштиришдан –иборат.

**Ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларини** малакасини ошириш жараёнлари “Каскад” технологияси асосида ташкил этилади.

Лойиҳани амалга ошириш орқали маҳаллаларда **ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг** устувор йўналишлари белгиланади, уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш, мустақил таълим, қисқа муддатли сайёр малака ошириш жараёнларини ташкил этиш асосида узлуксиз малака ошириш жараёнларининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда мувофиқлаштиришга эришилади.

Шунингдек, ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг узлуксиз малака ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминлаш йўналишлари белгиланади ва мувофиқлаштириб борилади.

Малака ошириш жараёнларини амалга оширишнинг “Каскад” механизми жорий этилади, мониторингинги йўлга қўйилади, самарадорлигини таҳлил қилиш асосида

мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади; ва бажарилиши назорат қилинади.

Ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг малакасини ошириб бориш бўйича ҳудудлар кесимида долзарб муаммолар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

“Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги мустаҳкамланади, ота-оналарнинг ногиронлиги бўлган фарзандлари тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ошишига эришилади ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгаши (ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузурида “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларида **ногиронлиги бўлган фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш масаласини** тизимли муҳокама этиб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

**Хусусан**, қуйидагилар “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларининг функционал вазифаларига кириши зарур:

- **ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш** бўйича тақдим этилган стратегик режалари асосида “Ота-оналар университети” фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг малакасини ошириш жараёнларини маҳаллалар амалиёти натижаларидан келиб чиқиб; ташкил этиш; тизимли мониторинг асосида малака ошириш даври ва ундан кейинги фаолияти ўртасида қайта алоқани таъминлаш;

- малака ошириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш;

- доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарларини ташкил этиш, натижавийлиги бўйича жамоат Кенгашига мунтазам маълумотлар тақдим этиб бориш;

- миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этиш;

- самарали фаолият кўрсатаётган маҳаллалар иш тажрибаларини оммалаштириш ишларини ташкил этиш;

- электрон ахборот таълим ресурслари, янги илмий-методик, методик қўлланмалардан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш;

- бу борада ижобий натижага эришаётган илғор тажриба ва касбий маҳорати юқори бўлган маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш.

**Ногиронлиги бўлган фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш**, уларнинг мақсадли ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда электрон ўқув услубий мажмуаларни яратиш, “Каскад” механизминини йўлга қўйиш ва кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

*Бизнингча, ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг эгаллаган билим ва кўникмалари қуйидагилар: шахсий ривожланишига интилиш, креативлик; инновацияларга тайёрлик ва мотивация; маҳаллалар тизимини замонавийлаштириш; бошқарувга бўлган эҳтиёж ва қобилият.*

**МУҲОКАМА**

Шундай қилиб, *замонавий* технологиялардан фойдаланган ҳолда 4 асосий йўналишда фаолият олиб борилади. Бунда ота-оналар (оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ота-оналарнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда) ва маҳалла мутасаддиларининг малакасини оширишга қаратилган ишларни ташкил этишга қарор қилдик. Бунда ҳар бир мақсадли гуруҳ учун фаолиятнинг мақсади ва мазмуни қуйидагича бўлиши керак:

**1-жадвал**

Гуруҳ	Фаолият таркибий қисми	Мақсад
Ўз устида ишлайдиганларнинг тарафдорлари	Жамоат ишларида ишлаш, фаол семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этиш	Ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларига кўмаклашиш
Ҳаракатсизлар учун	Семинарларда, жамоат кенгашларида, тренингларда иштирок этиш.	Ишда қатнашиш учун қўшилиш
“Анъаначилар” учун	Натижа ва ютуқларни намоён қилиш, ишлаш, жамоат кенгашлари ҳамда тадбирларда маълумот тўплаш	Янгиликларга интилиш
Бефарқлар учун	Муаммога кириш, натижаларни таққослаш, амалий тажрибани ўрганиш.	Ўзи учун маълумот олиш

Мақсадларга ҳамоҳанг тарзда *ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг малакасини* ошириш учун махсус дастур ишлаб чиқилди.

**2.-жадвал**

Малака оширувчиларнинг категориялари	Мақсад ва кутилаётган натижа	Малака ошириш шакллари ва мослашувчан мактаб ғояси билан танишиш (инновацион педагогика)
Ўз устида ишлайдиганларнинг тарафдорлари	Ривожланишнинг юқори даражасига мос келиш.	Маҳаллаларни ривожлантириш бўйича ижодий гуруҳ. “Малакали маҳалла ходими” ижодий гуруҳида ишлаш. Мактабда “Қобилиятли она” ўқув семинарида иштирок этиш. Жамоат кенгашларида фаол ишлаш.
Ўз устида ишлайдиганларнинг	Иш жараёнига қўшиш.	“Меҳр” каскад йўналишидаги миллий тренерлар жамоаси томонидан семинарлар

пассив тарафдорлари		ташкил этиш.
“Анъаначилар”	Масофавий малака ошириш афзалликлари билан танишиш.	Жамоат кенгаши: 1. “Бугунги кунда ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ҳамда маҳалла мутасаддиларининг мақсади ва муаммолари”. 2. Маҳаллаларда мослашувчан ижтимоий кўмак механизмини яратиш.
Бефарқлар	Масофавий малака ошириш афзаллигига ишонтириш.	Очиқ (мутасадди ташкилотлар билан) мулоқотларни ташкил қилиш, ўқитишнинг янги технологиялари билан таништириш; семинарларга таклиф қилиш.

Замонавий маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятида касбий тайёргарлик, яъни унинг профессионалиги, ўз соҳасининг билимдони бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мунтазам равишда ўзининг касбий билими, кўникма ва малакасини ривожлантириб бориш, фан ва техника ютуқлари, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини ўзлаштириш учун уларнинг малакасини ошириш курсларининг ташкил этиш муҳим масала ҳисобланади.

### ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча, ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришни таклиф этиш орқали мазкур йўналишдаги иродавий хатти-ҳаракатларини таъминловчи асосларни тўртта асосий гуруҳга ажратиш муҳим ҳисобланади:

биринчидан, бу касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шаклланиши ва ривожланиб бориши натижасида вужудга келадиган, ҳурмат-эътибор, ҳокимият, ваколат ва мавқе билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган шахсий эҳтиёжлар;

иккинчидан, ривожланиб бораётган замонавий маҳалланинг самарали ривожланишига мос равишда ўзини ўзи бошқариш, ўз фаолиятини ўзи томонидан таҳлил қилиш ва ўзини ўзи касбий ривожлантиришга интилиш;

учинчидан, ўзини ўзи касбий ривожлантириши асосида замонавий фаолиятнинг аҳамияти ва натижавийлигини англаш;

тўртинчидан, маҳалла мутасаддиларининг табиий равишда белгиланаётган замонавий талабларнинг мазмун ва моҳиятини тушуниш ҳамда мантиқан заруриятини қабул қилиш.

Юқоридагиларга асосланиб билим, кўникма ва малакага эга *ота-оналар ва маҳалла мутасаддилари* деб қуйидагиларга асосланиб айтишимиз мумкин:

– билимлар, изланиш ва фикрлаш фаолиятлари, ижод жараёни маҳсули сифатида турли хил шаклларда тизимли ҳамда умумлаштирилган ҳолда берилади;

– маҳалла мутасаддис *“бошқарувчи”, “тренер” ,“ҳамкор”* сифатида намоён бўлади, яъни ҳамкорлик қилиш, ёрдам бериш, мотивация бериш, ногиронлиги бўлган

оилаларни шахсий кизиқишларига эътиборли бўлиш, унинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган;

– фаол ҳамкорлик ишларини ташкил қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ўзаро масъулиятлилиқ муҳитини яратишга йўналтирилган;

– таълим олувчилар учун таълим ва тарбияни ташкил этишнинг гуруҳли шакллари орқали шахслараро муносабатлар ва мулоқотнинг хилма-хил шаклларини амалий равишда ўзлаштиришлари, ҳамкорликда ишлаш ва ижод қилиш учун шарт-шароитлар яратилади;

– ҳаракат ва хулқ-атворларнинг олдиндан белгилаб қўйилган намунасига мослигини баҳолашдан воз кечиш.

Юқорида санаб ўтилган фаолиятлар маҳалла тизими ичида кечади, лекин бу тизим фаолиятини самарали бўлиши учун уни ўраб турган муҳит, яъни ижтимоий-маданий муҳит талаб даражасида бўлиши зарур.

### REFERENCES

1. Sobithon Turgunov, Muhayyo Umaraliyeva. The Development of Professional Competencies of Teachers on the Basis of an Innovative Approach// Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics. –2016. – №2. – P.119-125.(DOI:10.14706/JFLTAL163212).
2. Umaraliyeva M.A. Organizational-Pedagogical Conditions of Forming Professional Competence of Teachers//Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics.2015. –R. 187.
3. Abdugapparovna, u. m. (2019). the role of creative technologies in development of professional competency of general secondary pupils in collaborative pedagogy. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(5).
4. Умаралиева М.А. Ўқитувчилар касбий маҳорат компетентлигини ривожлантириш технологияси Халқ таълими илмий-методик журнал.– Тошкент, 2014.–№2– Б. 20-25.
5. М.А. Умаралиева Инновацион ёндашувлар асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг корпоратив асослари“Замонавий таълим” 2-сон.20117. 66-72 бет.
6. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(8), 3500-3505.
7. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
8. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
9. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
10. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.

11. Караханова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
12. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
13. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
14. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
15. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
16. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.